

Архитектура и строительство

УДК:662.692.4

*Шавкат Усмонов,
Шерали Танибердиев,
Арслон Исмоилов,
Мунир Умидуллаев.*

(Ўзбекистон Республикаси Самарканд шаҳар)

**ТАБИЙ РЕСУРСЛАРДАН ФЙДАЛАНИШДА САМАРАЛИ ВА ТЕЖАМКОР
УСУЛЛАР**

Аннотация. В настоящей статьи приводится использование как возобновляемых источников энергии биогазной технологии для уменьшение глобального нагрева окружающей среды и приводящей нарушению озонового слоя.

Ключевые слова. биогазной технологии, озонового слоя, ультрафиолетивий лучи, животноводство, биобензин.

Annotation. We can seen this article that to use profitable and cleverly from natural resources, so it is being producing variety of harmful gases to atmosphere, in the result it brings to get global warm climate of earth. A part from that we come across to erode layer of azahn. We should use unlimited energy sources and biogas technology.

Keywords. biogas technology, layer of azahn, ultraviolet lights, cattle-raising, biobenzine.

Мамлакатнинг ривожланиши фан ва техникага асосланган ҳолда, ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этиши тақоза этади. Ҳар бир ишлаб чиқариш жараёни бирор турдаги хом-ашё асосида амалга оширилади. Ишлаб чиқариш корхоналарига тежамкор ва экологик маъқбул технологияларда фойдаланишни талаблари кўйилмоқда. Ҳозирги кўннинг экологик муаммолааридан ҳисобланган ер иқлимнинг глобал исиши ҳамда озон қатламининг емирилиши атроф-мухитнинг меъёрий ҳолатини бузилишига, биохилма-хилликнинг камайишга сабаб бўлмоқда.

XII аср бошланиш даврига келиб бу муаммолар БМТ нинг атроф мухит бўйича халқаро дастури – ЮНЕП нинг асосий масаласига айланди. ЮНЕП атроф

– мухит туғрисидаги билимлар ва ахборотлар туплашга ёрдамлашиш у томонидан раҳбатлантирилган ва мувофиқлаштирилган экологик ахборотларни ўрганиш, таҳлил қилиш. Атроф мухитнинг ҳолати ҳақида кўплаб маърузалар яратилишига олиб келди ҳамда бугун жаҳон миқёсида юзага келаётган экологик муаммолар туғрисидаги тушунчани ишлаб чиқди.

Экологик муаммолар зага келишида ишлаб чиқариш корхоналари, техника ва технологияларнинг кўпайиши асосий омил деб қараш мумки.

Ердаги ҳаётни ультрабинафша нурлардан ҳиояловчи, озон қатламининг емирилишини камайтириш мақсадида ишлаб чиқариш корхоналаридаги озон емирувчи чиқинди газлар миқдорини камайтириш масалалари кўриб чиқилган бўлиб, бу борада 2012 йилнинг 16 сентябр кўни тасдиқланган.

Монреаль протоколида БМТ га аъзо давлатлар барчасида бу масалага жиддий эътибор берилиши кўрсатиб ўтилган. Булардан ташқари иқлимнинг исиб бориши, яъни глобал муаммоларга айланиб бориши юзасидан ҳам битим тузилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб саноат ишлаб чиқариш корхоналарига, унда ишлатилаётган хом-ашё тежамкорлигига, айниқса, ишлаб чиқариш жараёнларида юзага келаётган ҳар қандай кўринишдаги чиқинди газларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги тўғилади ва ҳар қандай саноат ишлаб чиқаришда замонавий тежамкор технологиялар ва ускуна жихозларини амалда қўллаш кераклигини англаб етиш мумкин.

Бугунги кунда дунё ёқилғида фойдаланиш миқдори йилига 12 млрд тонна нефт эквивалентини ташкил этади. (тахминан бир кишига 2 тонна эквиваленти). Органик ёқилғига бўлган талаб эса жадал суратларда янада ортиб бораверади. Нефт, табиий газ, кўмир, ва уран каби қазиб олинадагин ёқилғи тунлари айни пайтда жаҳон энергетика балансининг негизини ташкил этади ва яқин келажакда ҳам шундай бўлиб қолади. Ваҳоланки, ушбу ёқилғиларнинг ресурслари уларга ишлов бериш ҳамда фойдаланиши сабабли тобора камайиб бормоқда. Энергия ресурсларида ҳозирги фойдаланиши миқдори даражасида жаҳонда нефт


захираси 45-50, табиий газ 70-75, тошкўмир 165-170 йилга ва ядро ёқилғиси эса нисбатан кўпроқ йилларга етади.

Шубҳасиз, энергияни самарали ишлаб чиқариш ва ундан оқилона фойдаланиш табиий ресурслари мизни асраб авайлаш ва атроф мухит емирилишининг олдини олиш борасидаги энг қулай усуллардир. Янги энергетика технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш, кенг миқёсида энергия ишлаб чиқариш жараёнида қайта тикланадиган энергия манбалари улушини ошириш борасида ўлкан ишлар амалга оширилмоқда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, ишлаб чиқаришнинг энергия сифimini қисқартириш, миллий илмий-техникавий ишланмалар ва синовдан ўтган халқаро энерготўжамкор элфор технологиялар тадқиқотларини амалиётга мақсадли жорий этиш соҳасида белгиланган устувор йўналишларни рўёбга чиқариш белгилаб берилди.

Ушбу дастур асосида Республикамиз қайта тикланувчи энерго манбаларидан яъне қуёш энергияси, шамол энергияси сув ва ер энергиясидан фойдаланиш бўйича бир қанча лойиҳалар ишлаб чиқилди.

Булар қаторида Ўзбекистонда хом-ашё ресурсларига бой бўлган биогаз “АИ технологиядан” фойдаланиш ҳам кенг йўлга қўйилиб бошлади.

Биогазли технологиялар – бу кескин, экология соф, чиқиндисиз қайта ишлаш усулидир. Ҳозирги дунёда 60 дан ортиқ биогаз технологиялардан фойдаланиш билан бирга уларни янги асосларини яратиш ишларри олиб борилмоқда. Жаҳонда 1990 йилларда 150 млрд кубометр биогаз ишлаб чиқарилган бўлса, 2000 йилга 700 млрд кубометрдан ортиқ олинганини биламиз.



Биогазнинг иссиқлик яратиш салоҳияти 1 кубометр биогазда 55 фоиздан ортиқроқ метан газини ҳисобга олсак, бу 0,6 кубометр табиий газга, 0,7 кг мазутга ва 0,4 литр бензинга тўғри келиши маълум. Демак биогаз ишлаб чиқариш халқимизнинг энергетика иқтисодий, ижтимоий ва


экологик муаммоларини ҳал этишда муҳим роль ўйнайди аниқ биогаздан ёритишда, иситишда ва биобензин тайёрлашда компонент сифатида фойдаланиш мумкин. Мисол тариқасида, Швецияда дунёда энг экологик соф йўловчи поезд биогаз қувватида соатига 130 км. Тезликда 600 км масофани босиб ўтмоқда. Шуниндек 1000 дан ортиқ автобуслар биогаз билан қувватланадилар. Биогаз ишлаб чиқаришдан олинган қўшимча маҳсулот сифатида қишлоқ хўжалиги учун жуда юқори сифатга эга бўлган органик ўғитни кўрсатиш мумкин. Биогаз технологиялари қадимги Хитойда қўлланиладиган бўлиб у “Унитилган энергия” манбаларидан бири бўлиб, ҳозирги вақтда қайта кашф этилди ва бошқа тикланадиган энергия манбалари орасидан ўрин эгаллади.

Биогаз технологиялари ҳозирги кунда энг юқори кўрсаткичи эга ҳолда; Хитойда 40 млн дона, Ҳиндустонда 3.8 млн дона, Непалда 20 минг дона, Германияда АҚШ, Покистан, Бангладеш, Тайланд, Флиппин ва бошқалар бир қанча давлатларда. 8 минг дона йирик биогаз қурилмалари ишлаб турибди.

Худди шунингдек энерго тежамкорлик Давлат сиёсатидаги долзарб масала бўлганлигини инобатга олиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг “2017-2019 йиллар даврида Республикада биогаз қурилмалари ишлаб чиқариш ва жорий этишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳасига асосан Самарқанд вилоятининг Ургут эркин иқтисодий зонаси ҳудудида Хитойлик биогаз технологиялари ишлаб

чиқарувчилар билан “Биогаз технологиялари ишлаб чиқариш ва сервис хизмат кўрсатиш” қўшма корхонасини тешкил этилиши натижасида Республикасмизнинг 726 йирик паррандачилик ва чорвачилик хўжаликларига жорий қилиш назарда тутиди.

Ҳозирги кунда Республикасмизнинг бошқа вилоятлари сингари, Сирдарё вилоятининг Ховос туманида, Наманган вилоятининг Турақурғон туманларида иссиқхонани иситиш ҳамда Самарқанд вилоятининг Жомбой туманида чорвачилик фермаларида фойдаланиб келинмоқда.



Хулоса қилиб айтганда, биз энергиядан янада оқимни ва самарали фойдаланишимиз даркор. Табиий ресурслардан оқимни фойдаланиш ресурслар тежамкорлигининг асосий омили бўлишини ҳисобга олган ҳолда, улардан оқилона

фойдаланиш учун албатта, табиий ёқилғилар ўрнига биогаздан фойдаланиш ишлаб чиқариш жараёнларида йўлга қўйилиши мумкин. Бу усул билан ердаги иқлимнинг иситишга сабаб бўлаётган атмосфера ҳавоси таркибидаги асосий кимёвий бирикма-карбонат ангрдрид газининг миқдорини камайишига ҳамда табиий ёқилғи ва ёнилғиларни тежашга эришамиз.

ИСТОЧНИКИ И ЛИТЕРАТУРЫ

1. БМТ тараққиёт дастури, Тошкент 2007 й.
2. “Энергообеспечение и энергосбережение – региональный аспект» XII Всероссийское совещание: материалы докладов. ТОМСК; изд-во «СПБ Графике» 2011 г.
3. Энерго – тежамкор иссиқхоналарни қуриш ва улардан фойдаланиш бўйича қўлланма Тошкент – 2013 й. Ўз.Рес.Савдо саноат палатаси раиси А.Э.Шайхов.
4. Чорвачиликда Биотехнология. “Ўзбекситон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти Тошкент – 2009 й”. М.Аберкулов, Ф.Джасимов.

СВЕДЕНИЯ ОБ АВТОРАХ

Усмонов Шавкат Аззамович-старший преподаватель кафедры “Тепло-газоснабжение, вентиляция и сервис” Самаркандский государственный архитектурно-строительный институт имени М.Улугбек (Самарканд, Узбекистан); +998933534254; usmonov808@mail.ru; сертификат: НУЖЕН; о конференции узнал от коллег.

Танибердиев Шерали Худойбердиевич- преподаватель кафедры “Тепло-газоснабжение, вентиляция и сервис” Самаркандский государственный архитектурно-строительный институт имени М.Улугбек (Самарканд, Узбекистан); +998942883522; сертификат: НУЖЕН; о конференции узнал от коллег.

Исмоилов Арслон Исамиддин ўгли-преподаватель кафедры “Тепло-газоснабжение, вентиляция и сервис” Самаркандский государственный архитектурно-строительный институт имени М.Улугбек (Самарканд, Узбекистан); +998906042240; arslonbekismailov@gmail.com; сертификат: НУЖЕН; о конференции узнал от коллег.

Умидуллаев Мунир - магистрант 2 курса кафедры “Тепло-газоснабжение, вентиляция и сервис”, Самаркандский государственный архитектурно-строительный институт имени М.Улугбек (Самарканд, Узбекистан); +998941825588; научный руководитель-Ш.А.Усмонов сертификат: НУЖЕН, о конференции узнал от коллег.